

Ҳ У К М

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

2018 йил декабрь ойининг 4 куни, жиноят ишлари бўйича Фарғона туман суди Лоғон МФЙ биносида, очик сайёр суд мажлисида,

Раислик қилувчи: Ф.Абдураимов

судья ёрдамчиси - Н.Эргашеванинг котиблигида, давлат айбловчиси - Фарғона туман прокурорининг ёрдамчиси лавозимида иш ўрганувчи М.Абдурахимовнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 2-қисми билан [REDACTED] ни айблаш ҳақидаги 1-275/2018-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

[REDACTED], 1988 йил 23 июнь куни Фарғона туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, бир нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, [REDACTED] МЧЖ ҚҚда ишчи вазифасида ишлайди, Фарғона тумани, [REDACTED] кўчаси, 34-уйда яшайди, иш бўйича эҳтиёт чораси тариқасида гаров қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини олган.

Суд, судланувчи, жабрланувчининг қонуний вакили ва гувоҳларнинг кўрсатмаларини эшитиб, томонларнинг музокара нутқларини, судланувчининг музокара, ҳимоя ва охириги сўзларини тинглаб, жиноят иши материалларини ҳар томонлама, тўла ва ҳолисона текшириб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи [REDACTED] 2017 йил 5 сентябрь куни соат 17:00 ларда бошқарувидаги "Малибу" русумли [REDACTED] давлат рақамли транспорт воситасини Фарғона тумани "Лоғон-Аввал" йўлининг 4-км. бўйлаб, Аввал қишлоғи томонга қараб бошқариб кетаётиб, "Йўл ҳаракати қоидалари"нинг 11-банди, яъни "транспорт воситасининг ҳайдовчиси ҳаракатланиш жараёнида пиёдалар, айниқса, болалар, ногиронлар, қарияларга ва велосипедчиларга нисбатан эҳтиёткорлик чораларини кўришга мажбурдир", 77-бандининг 1-қисмида, яъни "Ҳайдовчи ҳаракатнинг серкатновлигини, транспорт воситаси ва юкнинг хусусияти ҳамда ҳолатини, йўл ва об-ҳаво шароитини, шунингдек ҳаракатланиш йўналишидаги кўринишни ҳисобга олган ҳолда транспорт воситаси тезлигини белгилангандан оширмасдан бошқариши керак", 77-бандининг 3-қисмида, яъни "ҳаракатланиш вақтида ҳайдовчи аниқлай олиши имкониятидаги хавф юзага келса, у транспорт воситасининг тезлигини тўла тўхташни таъминлайдиган даражада

камайтириши ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавф туғдирмаган ҳолда айланиб ўтиш чораларини кўриши керак” деган қоидаларига амал қилмай, “Обиджон-Акрамжон” фермер хўжалиги ер майдони тўғрисига етиб келган вақтда, ўзи билан бир йўналишда ҳаракатланаётган М.Сайдуллаев бошқарувидаги “Иж-Планета-Спорт” русумли [REDACTED] давлат рақамли кажавали мотоцикл билан тўқнашиб кетиб, йўл-транспорт ҳодисаси содир этган. Натижада М.Сайдуллаев йўл-транспорт ҳодисаси вақтида олган тан жароҳати сабабли шифохонада вафот этган.

Суд-тиббиёт экспертизасининг 2018 йил 20 сентябрь кунги 391-сонли хулосасига кўра, М.Сайдуллаевнинг ўлимига калла ёпиқ тумтоқ шикасти, калла суяқларини синиши, бош мия тўқимасини лат ейиши, мия тўқимасига геморагик қон қўйилиши, ўнг ярим шари ва мия қоринчаларига қон қўйилиши, бош юмшоқ тўқимасига қон қўйилиши, пешона, ўнг қош, ўнг ёнок, бурун, иккала елка, иккала тирсак бўғими, чап қўл кафти бармоқлари, иккала сон, ўнг ёнбош, чап тизза бўғими, чап товон бўғими, ўнг товон бўғими, ўнг оёқ кафти бармоқлари ва чап болдир соҳаларини шилинмалари сабаб бўлганлиги аниқланган.

Судланувчи [REDACTED] судда, айбига тўлиқ иқроор бўлиб, ҳақиқатан ҳам у, 2018 йил 5 сентябрь куни соат 16:30 ларда “Малибу” русумли [REDACTED] давлат рақамли автомашинада Фарғона тумани, Аввал қишлоғи, Бегимжонтепа кўчасида жойлашган қорамоллар боқиладиган фермага сут соғувчи аёл, Рўзихон опа билан бирга йўл олишганлигини, автомашинани Лоғон-Аввал йўлида соатига 90 км тезликда Аввал қишлоғи томонга бошқариб кетганлигини, “Обиджон-Акрамжон” фермер хўжалиги дала ерларининг бошланиши қисмига етиб келганида ундан 150-200 метр олдинда унинг йўналишида кажавали мотоцикл кетаётганини кўрганлигини, мотоцикл ҳайдовчиси ортга қараб, сўнг яна олдига қараганлигини, сўнг мотоциклни бирозгина ўнг томонга олганлигини, у мотоцикл ҳайдовчиси йўл бўшатди деб ўйлаганлигини, мотоциклга етиб олишга тахминан 15-20 метр қолганида мотоцикл ҳайдовчиси тўсатдан рулни чап томонга буриб йўналишни ўзгартириб уни йўлига чиқиб юборганлигини, шунда у автомашинани чап томонга буриб, мотоциклдан олиб қочмоқчи бўлганлигини, лекин тезлик йўқори бўлганлиги сабабли, автомашинани ўнг томони билан мотоциклни чап томон қисмига бориб урилганлигини, у мотоциклга бориб урилган вақтда мотоцикл ҳайдовчиси зарба туфайли дастлаб “Малибу” автомашинасининг олд ойнасига сўнг автомашинаниннг ўнг томон бурчагига тегиб ерга йиқилганлигини, шунда у автомашинани тўхтатмоқчи бўлиб тормоз босганлигини, шунда автомашина ўнг томонга оғиб кетиб, йўлнинг четига бориб тўхтаб қолганлигини, у автомашинадан тушиб йўлнинг ўртасида хушсиз ётган мотоцикл ҳайдовчисини олдига борган вақтида мотоцикл ҳайдовчисининг дадаси уни кўтариб йўловчи “Матиз” автомашинасига солганлигини, у ҳам улар билан бирга Фарғона шаҳар марказий шифохонасига борганлигини, ҳозирда етказилган зарарни қоплаганлигини, қилмишидан пушаймонлигини баён қилиб, жабрланувчи қонуний вакилининг унга нисбатан даъвоси йўқлигини инобатга олиб, енгиллик беришни сўради.

Жабрланувчининг қонуний вакили М.Мирзалиев судда, ҳақиқатан ҳам 2018 йил 5 сентябрь куни ўғли М.Сайдуллаев у ишлаётган жойга, яъни Фарғона тумани, Лоғон қишлоғида жойлашган “Обиджон-Акрамжон” фермер хўжалигига ундан хабар олиш учун келаётганини кўрганлигини, шунда ўғли ундан озгина ўтиб, мотоциклни йўлнинг четига тўхтатганлигини, сўнг ортга қайтиш мақсадида ортга қараганлигини, шу вақт Лоғон қишлоғи томондан “Малибу” русмли автомашина тахминан соатига 100 км тезликда ҳаракатланиб келаётганлигини кўрганлигини, “Малибу” автомашинаси йўл четига тўхтаб турган ўғли бошқарувидаги мотоциклнинг орқа чап ғилдираги томонга келиб урилганлигини, шундан сўнг “Малибу” автомашинасинг ўнг қаноти мотоциклга илашиб қолиб, мотоциклни судраб йўл четига тўхтаб қолганлигини, у ўғли томонга югуриб бораётганида автомашина ичидан бир аёл ва ҳайдовчи тушиб келишганлигини, аёл киши атрофдагилардан ёрдам беришни сўраганлигини, у йўловчи “Матиз” автомашинасида “Малибу” автомашинаси ҳайдовчиси билан ўғлини Фарғона шаҳар марказий шифохонасига олиб боришганлигини, орадан бироз вақт ўтганидан сўнг ўғли шифохонада вафот этганлигини, ҳозирда уни судланувчига нисбатан моддий ва маънавий зарар юзасидан даъвоси йўқлигини баён қилиб, қонуний енгиллик беришини сўради.

Гувоҳ Р.Олимова судда, ҳақиқатан ҳам у, 2018 йил 5 сентябрь куни соат 16:15 ларда “Малибу” русумли автомашинани Жамшид Лоғон-Аввал йўли бўйлаб бошқариб Фарғона тумани, Аввал қишлоғи томонга ҳаракатланиб боришганлигини, “Обиджон-Акрамжон” фермер хўжалиги бошлангичан ҳудудга етиб келишган вақтда, йўлнинг ўнг томонида тўхтаб турган мотоцикл ҳайдовчиси ортга қараб мотоциклни чап томонга бурганлигини, шунда у кўрқиб кетиб бақариб юборганлигини, шундан сўнг “Малибу” автомашинаси мотоциклга бориб урилиб йўл четига бориб тўхтаб қолганлигини, шунда у [REDACTED] га бориб ёрдам беришни тайинлаганлигини ва ўзи ҳам ўша ерга борганлигини, мотоцикл ҳайдовчиси дадаси ва [REDACTED] йўловчи “Матиз” автомашинасида мотоцикл ҳайдовчисини Фарғона шаҳрига шифохонага олиб кетишганлигини баён қилди.

Гувоҳ А.Мамарўзиев судда, дастлабки терговдаги кўрсатмасини тасдиқлаб, гувоҳ Р.Олимовага ўхшаш кўрсатма берди.

Судланувчи [REDACTED] нинг содир этган жинояти унинг ўз айбига тўлиқ иқрор бўлиб берган кўрсатмаларидан ташқари, жабрланувчининг қонуний вакили М.Мирзалиев, гувоҳ Р.Олимова ва А.Мамарўзиевларнинг дастлабки тергов ва суддаги кўрсатмалари билан, хабарнома, воқеа жойини кўздан кечириш баённомаси, чизма ва унга илова қилинган фотосуратлар билан (и.в.2-13), суд-тиббий экспертизаси хулосаси билан (и.в.47-52), суд-автотехник экспертизаси хулосаси билан (и.в.75-77), тушунтириш хатлари билан ҳамда ишда тўпланган бошқа объектив далиллар билан ҳам тўлиқ тасдиқланади.

Суд, судланувчи [REDACTED] нинг жиноий ҳаракатларини юридик квалификациясини муҳокама қилиб, унинг транспорт воситаси ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиши оқибатида одам

ўлишига сабаб бўлишда ифодаланган жиноий ҳаракатлари, дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 2-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2015 йил 26 июндаги “Транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар билан боғлиқ ишлар юзасидан суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида”ги Қарорининг 8-бандида, Жиноят кодекси 266-моддасида назарда тутилган жиноятларнинг зарурий белгиси содир этилган ҳаракатланиш ёки транспорт воситаларидан фойдаланиш ёхуд жиноят қонунида кўрсатилган бошқа қоидаларнинг бузилиши билан келиб чиққан оқибатлар ўртасида сабабий боғланиш борлиги ҳисобланиши, ҳаракатланиш ёки транспорт воситаларидан фойдаланиш қоидаларининг бузилиши ҳам ҳаракат, ҳам ҳаракатсизликда ифодаланиши мумкинлиги, йўл ҳаракати қоидаларини бузиш транспорт воситасини бошқариш тартибига доир белгиланган кўрсатмаларга риоя этмасликда (масалан, белгиланган ҳаракатланиш тезлигини ошириш, йўл белгиларига риоя қилмаслик, ҳаракатланишнинг қарама-қарши томонига чиқиб кетиш ва шу кабиларда) ифодаланиши ҳақида тушунтириш берилган.

Иш материаллари ва судда аниқланган ҳолатлардан кўринишича, судланувчи ██████████ 2017 йил 5 сентябрь куни соат 17:00 ларда бошқарувидаги "Малибу" русумли ██████████ давлат рақамли транспорт воситасини Фарғона тумани “Лоғон-Аввал” йўлининг 4-км. бўйлаб, Аввал қишлоғи томонга қараб бошқариб кетаётиб, “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 11 ва 77-бандларига амал қилмай, “Обиджон-Ақрамжон” фермер хўжалиги ер майдони тўғрисида етиб келган вақтда, ўзи билан бир йўналишда ҳаракатланаётган М.Сайдуллаев бошқарувидаги "Иж-Планета-Спорт" русумли ██████████ давлат рақамли кажавали мотоцикл билан тўқнашиб кетиб, йўл-транспорт ҳодисаси содир этган. Натижада М.Сайдуллаев йўл-транспорт ҳодисаси вақтида олган тан жароҳати сабабли шифохонада вафот этган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 3-бандида “Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак”лиги; Қарорнинг 37-бандида “ЖК 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкинлиги, бунда қонунга мувофиқ, судлар, нафақат шахс жиноят содир этиш вақтида кўзлаган мотив ва мақсад, айб шакли ва даражасини, балки, айбдорнинг шахси, жиноят иштирокчилари орасидаги роли, жиноят содир этилиш пайтидаги ёки содир этилганидан кейинги хулқ-атвори, жиноятни содир этиш сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитни ҳам эътиборга олишлари лозим”лиги;

Суд, юқоридаги Пленум қарорлари тушунтиришларига риоя қилиб, [REDACTED] га нисбатан жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар сифатида унинг айбига тўлиқ иқрор бўлиб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, шахсини, муқаддам судланмаганлигини, оилавий шароитини, етказилган зарар бартараф қилинганлигини, жабрланувчи қонуний вакилининг даъвоси йўқлигини ҳамда бошқа ҳолатларни жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида инобатга олиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, қонун санкциясида назарда тутилмаган бошқа енгилроқ турдаги озодликни чеклаш жазоси тайинлашни лозим топади.

Суд, судланувчи [REDACTED] нинг транспорт воситасини бошқариши натижасида жиноят содир этганлигини эътиборга олиб, яна шундай жиноят такрорланишини олдини олиш мақсадида, асосий жазога қўшимча жазо тариқасида уни муайян ҳуқуқдан маҳрум қилишни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471-473, 476-моддаларига асосланиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

[REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 2-қисми билан айбли деб топилсин.

[REDACTED] га Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 2-қисми билан ЖКнинг 45-моддаси қўлланилиб, 2 (икки) йил муддатга транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилиб, ЖКнинг 57-моддаси қўлланилиб, ойлик иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 3 (уч) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Жазони ўз иш жойида ўташлик белгилансин.

Жазони ўташ муддати иш жойида ҳукм ижро этилиши бошланган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Жазони ижро этиш [REDACTED] тумани ИИБ зиммасига юклатилсин.

[REDACTED] га нисбатан қўлланилган гаров эҳтиёт чораси бекор қилинсин ҳамда гаровга қўйилган 5.000.000 (беш миллион) сўм пуллар ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг гаровга қўювчи [REDACTED] га қайтарилсин.

Ҳукмдан норози томонлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб ўн сутка ичида, маҳкум ва жабрланувчи қонуний вакили эса ҳукм нусхасини олган кунидан бошлаб шу муддат ичида жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят судига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг эса кассация тартибида шикоят бериш ва протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи:

Ф.Абдураимов